

ТАЛАБА НУТҚИ ВА МАЪНАВИЯТ

Расулмухамедова Дурдона Толкунджановна

филология фанлари номзоди, доцент,

Тошкент давлат юридик университети, Тошкент, Ўзбекистон

d.rasulmuxamedova@tsul.uz

Тил халқнинг бебаҳо маънавий бойлиги, битмас-туганмас хазинасидир. Тилни халқдан, халқни эса тилдан ажратиб бўлмайди. Ҳар бир халқнинг маънавий бойлиги, ақл-идроки, тафаккури, илмий, тарихий ва маданий бойликлари унинг тилида ўз ифодасини топади. Агар бирор сабаб билан миллий тил йўқолса, миллат ҳам бора-бора барҳам топади. Агар тил яшаса, халқ ҳам яшайди, ўша миллатнинг келажаги ҳам бўлади. Тилда ижтимоий ҳаётдаги барча ўзгаришлар ҳамда янгиланишлар ўз аксини топади. Шу билан бирга кишиларнинг ички олами, сувратигина эмас, балки сийрати ҳам унинг тилидан билинади. Кишилар ўз тиллари орқали ўзларини танитадилар, яъни инсоннинг гапидан унинг миллатини, шевасини аниқласа бўлади. Ҳатто унинг кайфиятини ҳам билиш мумкин. Хурсанд ёки ҳафалигини ҳам нутқ оҳангидан сезиш қийин иш эмас. Демак, тил кишиларнинг ўзига хослигини, уларнинг маънавий қиёфасини ёрқин кўрсатувчи ойнадир.

Мустақил юртимизда маънавий ислохотлар жадал суръатлар билан олиб борилаётган бир пайтда нутқ маданияти масалаларига ҳам эътибор ортмоқда. Нутқ маданияти жамият тараққиётининг муҳим белгиси бўлиб, унда миллат маънавияти ўз аксини топади. Нутқ маданияти масалалари тилшунослик фанининг долзарб муаммоларидан биридир. Бу муаммони ҳал этиш олий таълимдаги дарс жараёнларини янада такомиллаштириш, маърузаларнинг сифатини ошириш билан ҳам боғлиқ. Бунда ўқитувчининг нутқи алоҳида аҳамият касб этади. Энди дарсда ўқитувчининг “якка ҳокимлиги” эмас, балки ўқувчи билан ўқитувчи ўртасидаги ҳамкорлик устунлик қилмоқда. Уларнинг биргаликдаги ижодий амалий фаолияти натижасида соғлом муҳит яратилмоқда. Ўзбек тилига давлат тили мақомининг берилиши ва тил сиёсатининг изчиллик билан тўғри амалга оширилиши натижасида нутқ маданияти ҳам кун сайин ривож топмоқда. Нутқни аниқ, тўғри, чиройли,



ихчам ва соф тузиш учун эса тилни, унинг имкониятларини яхши билиш талаб этилади.

Бугунги кун таълим жараёни янги замонавий педагогик технологиялар асосида олиб борилмоқда. Талабаларни дарсга қизиқтириш учун турли усуллардан, кўргазмали қуроллардан, слайд ва мультимедиялардан, электрон дарсликлардан фойдаланиш мумкин. Бу давр талаби, таълимдаги тўғри ва самарали йўл. **Бироқ таъкидлаш жоизки, дарсдаги жонли кўргазмали қурол бу талабанинг нутқидир.** Ўсиб келаётган ёш авлодга ватанпарварлик, инсонпарварлик ва юксак маънавиятни жозибадор нутқ орқали сингдириш эса ҳар бир ўқитувчининг асосий бурчи бўлмоғи лозим. Одатда нутқимиз ҳеч вақт бир хил темпда бўлмайди. Талаба ўзи учун осойишта ҳамда равон темпни танлаши лозим, бу ҳолат нутқнинг янада кўркам бўлишини таъминлайди. Аммо баъзи талабалар нутқида шевада гапириш, пала-партиш жумлалар тузиш, бир-бирига боғланмаган гапларни айтиш ҳоллари ҳам кузатилади. Улар нутқида айрим товушларнинг тушиб қолиши, сўз охиридаги товушларнинг ютиб юборилиши, баъзи товушларнинг ноаниқ талаффуз этилиши нутқни ғализлаштиради, мавзуни тушунишга халақит қилади. Аниқ нутқ туза олиш эса талабадан катта маҳорат ва жиддий тайёргарликни талаб этади. Ҳар кимнинг нутқи ўзига хос бўлади. Ўша инсоннинг кимлигини, унинг савиясини, дунёқараши, маънавий олами ва ички дунёсини унинг нутқи орқали билиб олиш мумкин. Шу маънода талаба нутқи равон, аниқ, лўнда, тушунарли ва мазмунли бўлиши шарт. **Талабада ўз фикрини эркин, мустақил ва аниқ ифодалай олиш хислатларини шакллантиришда кўпроқ ўқитувчилар меҳнат қилишлари керак.** Дарсда талаба нутқида тўмтоқлик, қўполлик сезилса, дарс самарадорлигига путур етиши турган гап. Она тилида равон, лўнда ва ширали нутқ туза олиш ҳар бир талабанинг зиммасига бирдек масъулият юклайди. Афсуски, айрим талабалар нутқида *хўш, нима десам экан, нима эди, дейлик, анақа, так, значит, ну, вообщее, просто, точно* каби сўзлар учраб туради. Ҳамма талабалар ҳам бирдай чиройли сўзлаш қобилиятига эга эмас, ҳаммада ҳам нотиклик санъати, нутқий салоҳият бир хилда шаклланган деб бўлмайди. Айрим талабаларнинг нутқи жуда бой, улар гапга чечан бўладилар. Бу тоифа талабалар мустақил фикрлаб, эркин сўзлашга, ўз нутқларини шакллантиришга катта эътибор берадилар.



Бироқ шундай талабалар ҳам борки, улар ўз фикр-мулоҳазаларини тўлиқ етказиб беришга қийналадилар, нима демоқчи эканликларини аниқ тушунтира олмайдилар. Уларда сўз бойлиги кам, улар нутқнинг кенг имкониятларидан тўлиқ фойдалана олмайдилар. Бошқа тоифа ўқувчиларда эса фикрни қийналмай етказиб бериш қобилияти шаклланган бўладию, бироқ нутқ жозибасиз, сўниқ ифода касб этади. Шу сабабли бундай нутқ ҳам бошқаларни ўзига жалб қилолмайди. Шу ўринда бир савол туғилиши табиий. Бошқаларга таъсир қиладиган, уларда кизиқиш уйғотадиган, фикрлашга ундайдиган, чиройли ва кўркем нутққа қандай эришиш мумкин? Бизнингча, талабаларнинг нутқи намунали бўлиши учун қуйидагиларга эътибор бериш керак:

1. Ўз луғат бойликларини муттасил бойитиб боришлари зарур.
2. Нутқдаги сўзларнинг маъносига жиддий эътибор қаратишлари керак.
3. Адабий тилда тўғри талаффуз қилишга одатланишлари лозим.
4. Такрорларни ишлатмаслик, иложи борица улардан қочиш керак.

Хулоса ўрнида таъкидлаш лозимки, таълим икки ёқлама жараён бўлиб, ҳар бир педагог ўз талабасининг нутқига, улардаги тил ва нутқ малакаларининг шаклланишига таъсир кўрсатар экан, аввало ўзлари тил қонуниятларига алоҳида эътибор қилишлари, сўзларни тўғри талаффуз этишлари шарт. Шундагина тингловчининг нафақат қулоғини, балки қалбини ҳам забт эта оладиган намунали нутқ шаклланади.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Базарова, Н. (2020). ЮРИДИЧЕСКИЕ ТЕРМИНЫ В ПРОИЗВЕДЕНИИ «ШАЙТАНАТ» ТОХИРА МАЛИКА. Review of law sciences, 4(Спецвыпуск), 194-199.
2. Bozorova, N. P., & Turabayeva, L. K. (2022). The works of ChingizAytmatov and the contemplation of the bookstore. Asian Journal of Research in Social Sciences and Humanities, 12(1), 57-59.
3. Ramazonov, N., Khonnazarov, E., Choriev, O., & Yulbarsov, O. (2020). Interpretation and artistic function of the Concept of Faqr in Alisher Navoi's lyrics. INTERPRETATION. â, 1633-1641.
4. Ramazonov, N., Bozorova, N., Niyazova, N., & Choriev, O. (2021). ON THE RELATIONSHIP OF THE SUFI CONCEPT OF FAQR () رفق AND THE



CHARACTERS IN THE LYRIC POETRY OF ALISHER NAVOI. 湖南大学学报 (自然科学版), 48(8).

5. Gulyamova, G. (2022). TERM AND CONCEPT IN LEGAL TERMINOLOGY. Academic research in educational sciences, 3(1), 181-190.

6. Расулмухамедова, Д., & Турабаева, Л. (2022). Выражение идеи свободы в творчестве Гафура Гуляма. Academic research in educational sciences, 3(1), 530-536.

7. Зиямухамедова, Ш. (2022). Бобур ғазаллари лексикаси бўйича конкорданс-луғат (116та ғазал мисолида). Общество и инновации, 3(2), 24-30.

8. Зиямухамедова, Ш., & Адилбекова, Ж. (2022). ВЛИЯНИЕ ЯЗЫКА НА СОЗНАНИЕ, КУЛЬТУРУ И МИРОВОЗЗРЕНИЕ. Academic research in educational sciences, 3(1), 537-546.

9. Расулмухамедова, Д. Т. ОБРАЗ АМИРА ТИМУРА В СОВРЕМЕННОЙ УЗБЕКСКОЙ ПРОЗЕ. XV ВИНОГРАДОВСКИЕ ЧТЕНИЯ, 133.

10. Рамазанов, Н. (2020). Право и литература: правовой дискурс в литературе и перспективы трактовки правовых текстов художественными методами. Review of law sciences, 4(Спецвыпуск), 180-188.

11. Пулатова, У. (2021). Отбор и описание лингвистических средств, представленных в уголовно-процессуальных документах. Общество и инновации, 2(5/S), 30-38.

12. Пулатова, У. (2020). Формирование и развитие письменной речи студентов-юристов на современном этапе. Review of law sciences, (2), 287-289.

13. Гулямова, Г. (2020). Изучение гипонимии и синонимии юридических терминов в условиях дистанционного обучения. Review of law sciences, (2), 250-253.

14. РАСУЛМУХАМЕДОВА, Д. ЎЗБЕК АДАБИЁТИДА ТАРИХИЙ ШАХС ТАЛҚИНИ. UNIVERSITETI XABARLARI, 2020,[1/6] ISSN 2181-7324.